



INTELLEKT



2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

ИЖТИМОЙ-ТАЪЛИМИЙ, МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТА

2020-йил 2-sentabrdan chiqa boshlagan ● 2021-йил, 28-fevral № 4(12) ● www.samdchti.uz ● E-mail:intellektinfo@inbox.uz

Зулфия Исроилова – таниқли ва иқтидорли ўзбек шоираси. Ёрқин рассом, оддий инсон қалбини ўткир ҳис қилган меҳнатқаш, Шарқ аёлининг жамиятдаги тенг ҳуқуқи учун мардонавор курашган аёл. Зулфия шеърятининг нуфузи – бизнинг дабдабали, мураккаб даримизнинг ҳаққоний ифодаси, ўзига хослиги, замондошларимизнинг қалби ва ҳаракатларининг ёрқин тасвиридадир.



Шоира бадиий ижодга жуда эрта киришди. Ҳаёт вақтида "Ҳаёт варақлари" деб аталмиш дастлабки шеърый китобини чоп эттирди. Узоқ ижодий умри давомида ўттизга яқин шеърый тўпламлар, ўндан ортиқ достонлар яратди. Шоира ҳаммани ўйлатадиган, барча кишиларга даҳлдор бўлган ҳолатларни шеърга солиди. Шунинг учун ҳам ёзганлари кўпчиликлари манзур бўлади. Зулфиянинг улкан истеъдоди фақат юртимиздагина эмас, балки дунё миқёсида ҳам эътироф этилган.

Шоира замон, давр, халқ бошига тушган дард, жабр-жафони худди ўзиникидай, ўзиникини эса халқникидай қилиб тасвирлаб беради. Ўзининг дostonини бекорга "Хотирам синиқлари" деб номламаган. Бу хотиралар – халқ тарихи, шунчаки хотиралар, шунчаки тарих эмас, балки "дардли, тигли" синиқлар бўлиб, доимо юракни тилиб, қонатиб, озор бериб туради. Улар бир сабоқ. Шу туфайли шоира интиқлик билан кутган истиқлолдан чексиз миннатдор:

Хуррият, келдингни, нахотки келдинги, Келар йўлларингда пинҳона толдим. Менинг ота-онам жон ва танимда, Элим тақдирида абадий қолдинг.

Зулфия шеърятининг аксариятида шоира лирик қаҳрамони халқ дарди ва қувончи билан яшовчи, дардидан азобланадиган, зафарларидан қувонадиган замондошимиз сифатида кўзга ташланади. Бу ҳолат унинг соф лирик асарларида эмас, балки лирик руҳ устувор бўлган "Уни Фарҳод дер эдилар" дostonида ҳам етакчи ҳусусият сифатида китобхон диққатини ўзига жалб қилади.

Зулфия ҳаёл билан қалин дўстлашган ва мудом ҳаёл дунёсига фарқ эди. Савдо-сотик, бозор дунёси уни ҳеч қачон қизиқтирмаган, қачон бирорта дўкон остонасига қадам қўйган-

ЭЛИМ ТАҚДИРИДА АБАДИЙ ҚОЛДИНГ



лигини ҳам эслолмасди.

Зулфияни қийнаган, азобларга қўйган нарсаси: у ҳеч қачон ўтмиш юқларидан қутулолмасди, бу юқларнинг залвори

доим елкаларини эзар ва бир зум ҳам ўз исқанжасидан бўшатмас эди. Ота-онадан айрилмиш, азамат акаларининг доғи-ҳижрони, гўзал синглиси

Бувинисанинг аламли ўлими, талаба уқасининг ҳеч қутилмаган ҳалокати, айниқса, 1944 йилда суюкли умр ҳамдами Ҳамид Олимжоннинг фалокат-

га учрагани ҳаётсевар аёлнинг қалбида ҳеч ўчмас чандиқлар қолдириди. Бу чандиқлар вақт ўтиб битгандай бўлса ҳам, тинимсиз оғрирди. Нега де-

ганда, Зулфия уларнинг ҳам-маларини беҳад севарди, ҳаётини уларсиз тасаввур қилолмасди. Улар улкан севги ва меҳрга арзийдиган одамлар эдилар. Бу айрилиқлар азобини янада кучайтирарди. Зулфиянинг реал ҳижрон ва айрилиқ азоблари, дардлилар ҳақида ёзганлари аллақачонлар унинг таржимаи ҳолининг интим доирасидан тошиб чиқиб кетган ва тор доирага мутлақо сиғмай қолган:

Ҳижроннинг, фардининг дудларини тўқдим, Юрагим сўкилди бўлак ва бўлак... Йиғлаб келиб, йиғлаб кетар одамзод, Либосимдай қора шеърларни ёздим...

Мустақиллик йилларида ибратли ҳаёт кечирган, кенг ижтимоий фаолият олиб борган шоира Зулфия бетақдор истеъдоди, Ватанга муҳаббат, олийжаноб инсоний фазилатлари, халқимиз маънавиятини юксалтиришдаги хизматлари учун юксак ҳурмат ва эъзозга сазовор бўлди. Ўзбекистон ҳуқумати атоқли шоиранинг маданиятимиз тараққиётидаги катта хизматларини эътиборга олиб, 1999 йили Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этди.

Отабек ҒАЙБУЛЛАЕВ, Самарқанд давлат чет тиллар институти проректори.

Бугунги шиддат билан одимлаётган давр ўқитувчи-педагоглардан ўз усталирида янада ишлашни ва изланишни тақазо этмоқда. Ўз устида ишлаб, изланаётган ўқитувчи муаллимларнинг педагогик тажрибалари ҳам ошиб бораёттир. Аммо, тан олиб айтиш кераки, бугунги кунда умумий ўрта таълим тизимидagi айрим мактабларда иш олиб бораётган фидойий устозларнинг дарс жараёнлари, панд-насихатлари, ўқув тажрибалари бироз сустлашгандек.

Замондан орқада қолаётгандек туюлади, назаримизда. Аслида-чи, фарзандларимизнинг мактаб таълимига қизиқмай қолишларига нима сабаб бўлмоқда?

Ҳўш, замон зайли билан, турмуш ташвишлари ота-оналардан ортиб фарзандлар зиммасига ўтиб бормоқдами? Рўзгор икир-чикирларини тўлдириш, битириш учун болалар ҳам ота-оналар билан тенгма-тенг масъул бўлиб қолмоқдами? Йўқ, фарзандларимизнинг таълим олиш жараёнида сустлашиши, ўқимаслиги учун булар сабаб бўлолмайди. Ахир, бизнинг ота-бобола-римиз-ку, Мағрибдан Машриққача юрт кезиб, илм

излаб, йиллаб юртига, оиласига қайтмаганлар. Илм-маърифат йўлида

Улар учун ўша даврларда ҳеч қандай шарт-шароитлар яратилмаган бўлса-да,

"ДЎППИНИ ЕРГА ҚЎЙИБ" ЎЙЛАБ КЎРАЙЛИК



бир мақсадни олдиларига қўйган. Улар илм йўлида сув келса, симириб, тош келса, кемирганлар.

илм олишда давом этишган. Уринли савол туғилади: бугунги мактаб ўқувчилари ҳангаси а м и к а н ? "Дўппини ерга қўйиб" ўйлаб кўриш керак, назаримизда. Мухтарам Президентимиз "Келажакни ёшлар билан бирга қураимиз",

дея, ёшларимиз, фарзандларимиз, ўқувчиларимиз учун қатор имтиёзлар, имкониятлар яратиб бермоқдаки, уларни санаб-саноғига етолмайсан, киши.

Бу каби яратилган имкониятлардан оқиллона фойдаланиб, қатор ютуқларга эришиб келаётган фарзандларимиз эса талайгина. Аммо, бу каби шароитларнинг тўртдан бирини ҳам фойдалана олмаётган ўқувчилар ҳам талайгина. Баъзан кўча-кўйда мақсадсиз, тентираб юрган кўштирноқ остидаги "Замонавий ёшлар"ни кўриб, эсангиз қотади. Тоғни урса талқон қиладиган бу ёшлар олтинга тенг умрини ҳавога совурмоқдалар. Қулоқлари қандайдир ёт оҳанглари эшитиш, кўзлари эса телефонини кузатиш билан банд.

(Давоми 2-бетда) >>>

Жамиятнинг гуллаб-яшнаши, ривожланишида мамлакатда бўлаётган ислохотлар, ўзгаришлар муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, бу ислохотлар чекка ҳудудларда амалга оширилса, халқнинг давлатга, ҳокимиятга бўлган ишончи ортиб бораверади.

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Айни дамда мамлакатимизнинг ҳар бир туманида анчагина ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Шу қаторда Самарқанд вилояти Қўшрабат туманида ҳам бир қанча ўзгаришларнинг гувоҳи бўлишимиз мумкин. "Соғлом таңда – соғ ақл" деганларидек, инсон саломатлиги долзарб аҳамият касб этаётган бир даврда Қўшрабат туманидаги бирлашмасида аҳоли саломатлиги йўлида тинимсиз меҳнат қилинмоқда. Туман ҳудудида истиқомат қиладиган 132 минг 130 нафар аҳолига 13 та амбулатория поликлиника мусассасалари хизмат кўрсатмоқда. Булардан 240 катновга мўлжалланган кўп тармоқли поликлиника, 2 та қишлоқ оилавий поликлиникаси, 10 та қишлоқ врачлик пунктлари ҳамда 1 та 230 ўринли марказий шифохона шулар жумласидандир. Шу билан биргаликда, шифохона-

ларимизда 142 нафар малакали шифокорлар 832 нафар ўрта тиббиёт ходимлари аҳолига беминнат хизмат кўрсатишмоқда. Аҳоли сонига нисбатан оладиган бўлса, туман ҳудудида фаолият юритаётган шифокорлар сонига кам. Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда 67 штат бирлигидаги шифокорлар учун бўш иш ўринлари мавжуд.

Бундан ташқари, тиббиёт бирлашмаси масъуллари томонидан доимий равишда аҳолининг яшаш шароити ўрганилиб, ноғиронлиги бор шахслар учун 33 та ноғиронлар аравачаси, 6 та эшитиш мосламаси, 9 та қўлтиқ таёқ, 40 та ҳасса, 4 та кўзи ожизлар учун ҳасса, 2 та тирсақли қўлтиқ таёқ аҳоли ихтиёрига қўйилди. Аҳоли соғлигини янада яхшилаш, кексаларимизни кадрлаш мақсадида даволаниш учун имтиёзли

йўлнамалар ажратилди.

Халқнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, ўтган йилда Инвестиция дастури доирасида туман тиббиёт

бирлашмаси Жўш филиали Давлат дастури асосида капитал таъмирлаш учун 3 миллиард 504 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, шу йилнинг ўзидаёқ фойдаланишга топширилди. Туман тиббиёт бирлашмаси маъмурият бизнесига муҳтожлигини ҳисобга олиб, янгидан қуриб берилди. Туман тиббиёт бирлашмаси Тоз, Оқсарой, Қўштамғали қишлоқ врачлик пунктлари бизнеси ва туман марказий шифохонасининг шошилич тез тиббий ёрдам бўлими бюджет маблағлари ҳисобидан қурилиб, таъмирланиб, аҳоли ихтиёрига топширилди. Зеро, аҳоли соғлиги ва тинчлиги юрт осийшталлигини таъминлайди.

Улуғбек ШАМСИЕВ, Қўшрабат туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 октябрдаги ПҚ-4502-сонли "Ягона миллий меҳнат тизими" идораларо дастурий-аппарат комплексини жорий қилишни ва унинг ишлашини таъминлашга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорларига асосан, меҳнат муносабатларига оид маълумотлар "Ягона миллий меҳнат тизими" идораларо дастурий-аппарат комплексиди рўйхатдан ўтказилиб келинмоқда.

ВАКАНТ ИШ ЖОЙЛАРИ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШНИНГ ЭЛЕКТРОН ҲИСОБИ



Бугунги кунда янги ташкил этилаётган корхоналарга шахар ва туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан тушунтириш ишлари олиб борилиб, Ягона миллий меҳнат тизимига меҳнат муносабатларига оид маълумотларни киритиш борилмоқда.

(вакант) иш жойлари аниқланди. Тизимда нафақат бюджет ташкилотлари, балки хўжалик юритувчи субъектлардаги мавжуд вакант жойлар тўғрисида маълумотлар шаклланди. Аниқланган вакант иш жойларига ишсиз банд бўлмаган фуқаролар, жум-

ладан, ёшлар ишга жойлаштирилмоқда.

Барча янги ташкил этилаётган ва фаолият юритаётган корхоналар масъуллари меҳнат муносабатларига оид маълумотларни "ЯММТ" ИДАК га доимий равишда янгилаб бориши талаб этилади.

Ходимларнинг меҳнат муносабатларига оид маълумотларини "ЯММТ" ИДАК га киритилмаслиги ёхуд кечиктириш ҳолатларига йўл қўйилиши Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси 49-моддасининг 1-қисмига асосан жавобгарликка тортилишига сабаб бўлишини эслатиб ўтаемиз.

Дилшод БАБАЕВ, вилоят Бандлик бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

ТУРИЗМ РИВОЖИ УЧУН МУҲИМ ҚАДАМ ҚЎЙИЛДИ

Мамлакатимизда туризмни ривожлантириш ва сайёҳлар оқимини янада ошириш борасида улкан имкониятлар мавжуд. Шаҳар ва қишлоқларимизнинг бой тарихи, бетақдор қиёфаси, гўзал табиати, аждоқларимизнинг ақл-заковати ила барпо этилган тарихий обидалар, муқаддас қадамжолар ҳар қандай кишининг эътиборини ўзига тортиб, бағрига чорлайверади.

Юртимизда кейинги йилларда сайёҳлик инфра-тузилмасини ривожлантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилиб, янги лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бу сайёҳ-ҳаракатлар эса амалда хорижий сайёҳларни мамлакатимизга янада кўпроқ жалб этиш, кўшимча ирчи ўринлари яратиш, Ватанимиз тараққиётини таъминлашдек эзгу мақсадларга хизмат қиляпти. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 феврал куни қабул қилган "Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмининг янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Фармони бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим қадам

бўлиши, шубҳасиз. Чунки ушбу фармон Республикаимизда туризм бозорининг турли сегментларига йўналтирилган туризм маҳсулотли ва хизматларини диверсификация қилиш, уларнинг рақобатбардошлигини янада ошириш, мақбул ва қулай ички ва халқаро зирок жалб этиш, кўшимча ирчи ўринлари яратиш, транспорт йўналишларини кенгайтириш, транспорт хизматлари сифатини ошириш, туризм маҳсулотларини кенг тарғиб қилиш, шунингдек, мамлакатимизнинг саёҳат ва дам олиш учун хавфсиз манзил сифатидаги имижини мустаҳкамлашга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Фармонга мувофиқ ички ва зиёрат туризмни ривожлантириш учун қатор




йўналишларда авиарейслар ва темир йўл қатновларининг оширилиши, туроператорлар, турагентлар, шунингдек, жойлаштириш воситалари учун фойда солиғи ставкасининг белгиланган ставкага нисбатан 50 фоизга камайтирилиши юртимиз ва хорижда келаётган сайёҳлар учун бирмунча қулайлик бўлади. Шу билан бирга, туроператорлар, турагентлар ва туризм соҳасида меҳмонхона хизматларини

кўрсатувчи субъектлар бўйича юридик шахслардан олинган ер солиғи ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлашдан озод қилиниши, улар томонидан тўланадиган ижтимоий солиқнинг камайтирилган ставкада 1 фоиз миқдориди белгиланиши, албатта, сайёҳлик йўналишида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар учун кенг имкониятлар эшигини очиб беради.

(Давоми 2-бетда) >>>

ШЕЪРИЯТ



ВЛАДИМР ВИСОЦКИЙ

Висоцкий Владимир Семёнович (Москва, 1938 йил, 25 январь - Москва, 1980 йил, 25 июнь) - шoir, театр ва кино актёри, муаллиф - ижрочи, насрий асар ҳамда сценарий муаллифи, Давлат мукофоти лауреати.



Владимр Висоцкийнинг муаллиф - кўшиқчилик фаолияти 1960-йилларнинг бошига бориб тақалади. Унинг ҳарбий, сатирик, маиший, эртак, "спорт" мавзулардаги кўшиқлари дастлаб дўстлар даврасида ижро этилади ва магнитофон ёзувлари орқали тез орада бутун мамлакат бўйлаб кенг ёйилади.

XX аср рус маданияти тарихида асосий ўринлардан бирини эгаллаган Владимир Висоцкий ўз замондошлари ва келгуси авлодларга кучли таъсир кўрсатди.

ОДАМЛАР-ЧИ, ЗОРЛАНАР...

Одамлар-чи, зорланар, яна зорланар, Ҳақиқат бўлишин истар одамлар: "Тургандик навбатда биринчи бўлиб, - Ўтириб олгандир кейин келганлар!"

Сўкмасдан уларга тушунтиришди: "Сизлардан илтимос, тинчланинг, дўстлар! Улар - кўрмайсизми - келган хориждан, Сизлар-чи, кечиринг, ким бўласизлар?"

Барибир одамлар зорланар, зорланар, Барибир одамлар ҳақиқат истар: "Тургандик навбатда биринчи бўлиб, - Жойлашиб олгандир кейин келганлар?"

Такрор тушунтирар илжайиб маъмур: "Сизлардан илтимос, тинчланинг, дўстлар! Улар, кўрмайсизми, халқ бўлиблар, Сизлар-чи, кечиринг, ким бўласизлар?"

Одамлар-чи, зорланар, яна зорланар, Ҳақиқат бўлишин истар одамлар: "Тургандик навбатда биринчи бўлиб, - Ўтириб олгандир кейин келганлар!"

Профессор Ибодулла МИРЗАЕВ таржимаси.

БАҲОРИМ



Сен келсанг, далалар яшнаб кетади, Қаҳратон киш бизни ташлаб кетади. Ҳатто бошимиз ҳам кўкка етади, Келгин, эй баҳорим, сени соғиндим.

Дилларни қувнатиб ясанасан сен, Ҳаммаи ўзингга қаратасан сен. Ўзингдан минг ифтор таратасан сен, Келгин, эй баҳорим, сени соғиндим.

Далалар ям-яшил либос кияди, Гўзал қизлар ялпиз, кўклар теради. Тогда гул-у лола ўйнаб-қулади, Келгин, эй баҳорим, сени соғиндим.

Сен келган ондаёқ бошланар байрам, "Зулфиям" таваллуд топган уша дам. Биз буни нишонлаб, қилайлик байрам, Келгин, эй баҳорим, сени соғиндим.

Мафтуна АСРОЛОВА, СамДЧТИ Роман-герман тиллари факультети 2-босқич талабаси.

ЭНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТАЛАБА

Азиз талабалар! Газетамизнинг бу галги сониди сизлар учун ажойиб лойиҳа ташкил қилдик. Бу лойиҳада сиз иштирок этишингиз ва ўзингизни ижод соҳасида бемалол синаб кўришингиз мумкин.

ХОВЛИ

Тўлаган отасидан қолган ҳовлида яшарди. Кейинчалик олий даргоҳни тамомлаб, кейинги ҳаёти шаҳар билан боғланиб қолди.



"Хозирча бир ўғлимга уй олиб турай, боғи бор", - деб ҳаёлидан ўтказди.

Отаназар ака унинг пулини тўлади. Келишилган кунда Отаназар ака нота-риусни олиб уйнинг ҳужжатларини расмийлаштириш учун келганда, не кўз билан кўрсинки, Тўлаган икки кишини олиб келиб, эндигина мевага кирган даракларни кестираётган эди...

ДАВОМ ЭТТИРИНГ!

КИЗИҚАРЛИ САВОЛЛАР:

- 1. Фаррер оролларида дунёдаги илк сув ости туннели қурилган. Дикқат савол: Фаррер ороллари қайси давлат тасарруфиди?
2. "Coca-cola" логотипини яра-

УЯЛИ АЛОҚА ВОСИТАЛАРИДАН ВОЗ КЕЧИШ КЕРАКМИ?

Миллатимиз насли башардур, Ватанимиз кўрайи арз Иккисин хизмати фарздур, Иккисидин жон қарз. (Х.Х.Ниёзий)

Буюк адибимизнинг мисраларини келтирар эканмиз ундаги марвариддек товлиниб турган маъноларни ўқиб олиш кийин эмас! Шундай экан, миллат сўзини эшитган ҳар бир инсоннинг кўз олдига, албатта, унинг жамиятида яшаётган халқ намоён бўлади.



Биламизки, қадим замонларда ибтидоий тузумда яшаган одамларнинг турмуш тарзи хозиргисин билан солиштирилганда "осмон билан ерчалик" тафовут мавжудлигининг гувоҳи бўлаемиз.

Минг афсуски, инсонлар кундалик ҳаётидаги аксарият вақтини замонавий веб-сайтлар, Telegram, Instagram, Facebook каби ижтимоий тармоқларга сарфлашмоқда.

Бугунги кунда ҳар томонлама барқамол, мустақил фикрлайдиган, мамлакатимиз истиқбол учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, халқ манфаати йўлида бор салоҳиятини сафарбар қиладиган, шижоатли ёшларни тарбиялаш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Ёшлар фаоллигини ошириш мамлакатимиз тараққиётининг муҳим омилидир. Ўзбекистон аҳолисининг салмоқли қисми ёшлардан иборат бўлиб, улар мамлакатнинг буюк келажагини таъминлашнинг кафолати сифатида хизмат қиладди.

ЁШЛАР - ТАЯНЧИМИЗ

Ушбу кўнун билан ўтган давр мобайнида амалга оширилаётган ишларнинг ҳуқуқий асослари ҳам мустаҳкамланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси ва амалий кўмаги асосида ёшлар сиёсати дахлдор 40 дан ортиқ меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ҳаётга татбиқ этишлари учун зарур бўлган барча шароитлар яратилаётганлиги айна ҳақиқат. Энг аввало, сўнгги йилларда ёшларга оид давлат сиёсатида хизмат қиладди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ёшлик - бу нафақат ҳар бир инсон ҳаётидаги унутилмас давр, балки бу умидлар, кашфиётлар, қайтариб бўлмайдиган энергия, улкан режалар ва уларни амалга ошириш вақти.

Ижодкорлик



тиш компания учун қанчага тушган?

3. "Ҳаётда мақсадга эришиш ҳеч қачон осон бўлмаган. Эй, бизга шу ҳам бўлаверади, деган фикр билан яшайдиган одам, билиб қўйинглар, бизнинг душманимиздир". Ушбу фикрлар қайси буюк шахсга тегишли?

4. Инсон танасида шундай аъзо борки, унинг ўндан тўққиз қисми сувдан иборат. Бор йўғи бир қисми тўқима ва хужайралардан ташкил топган. Инсон танасидаги бу сервус аъзо нима?

5. Бир савдогар ўғлингиз савдодаги фаҳм-фаросатини синаш учун 500 сўм пул бериб, "Ҳам ўзимиз, ҳам сизимиз, ҳам товуғимиз учун фойдали емиш бўладиган нарсани олиб кел" - дебди. Айтинг-чи, ўғил нималарни харид қилган?

6. Қадимда "у"ни қуёш орқали биллишган. Кейинчалик қумдан фойдаланишган. Сўнгра унинг ўрнига сувни ишлатишган. Ниҳоят тошлар уни мукамал ҳолатга келтирган. Ўйлаб кўринг-чи, у нима?

7. 45 сонини шундай 4 қисмга ажратингки, агар биринчи сондан 2 ни айирсак, иккинчи сонга 2 ни қўшсак, учинчи сонни 2 га кўпайтирсак, тўртинчи сонни 2 га бўлсак бир хил сон келиб чиқсин. Ушбу сонларни топинг.



Гулрух ИБРАГИМОВА, СамДЧТИ талабаси.

лакатимизда "Ёшлар куни" деб эълон қилинди. Бундан ташқари, турли соҳаларда юксак натижа ва ютуқларга эришяётган фидойи ёшларимизни рағбатлантириб бориш мақсадида "Мард ўғлон" давлат мукофоти ва "Келажақ бунёдкори" медали таъсис этилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ёшлик - бу нафақат ҳар бир инсон ҳаётидаги унутилмас давр, балки бу умидлар, кашфиётлар, қайтариб бўлмайдиган энергия, улкан режалар ва уларни амалга ошириш вақти.

Шаҳрибону АБДУВОҲИДОВА, СамДЧТИ талабаси.

Хориждан гапирамиз

Японияда "келажак" шаҳар қурилади

Шаҳарда ҳаракатланадиган транспорт воситаларининг асосий қисмини Toyota ишлаб чиқарган e-Palette электромобиллари ташкил этади.



Woven City (Тўқилган шаҳар) деб номланувчи маъмур келажак шаҳри Токиодан 100 километр узоқликда, Фудзи тоғи этагида жойлашади.

Шаҳарда уч турдаги йўл бўлади. Биринчи йўл пйедалар, иккинчи йўл электр самокатлар ва учинчиси автомобиллар учун мўлжалланган.

4500 долларлик электромобил

Нисбатан арзон бўлган Wuling Hong Guang Mini EV электромобили 2020 йилнинг иккинчи ярмида Хитойдаги энг кўп сотилган автомобил бўлди.



Энгил электромобиллар келажаги ҳақида баҳсга ҳожат йўқ - транспортнинг бу тури ўзининг бензир устунликлари билан жуда тез ривожланипти.

"Халқ электрокари"нинг қисқача тавсифи: - Энг оддий моделининг нархи 4460 АҚШ доллари, кондиционерлиси 5000 доллар;

Guang Mini EV моделин оддий энгил автомобилдан фарқли ўларок, смарт ё компакт деб аташ мумкин. Ҳа, албатта салонда алоҳида комфорт йўқ, кўплаб замонавий техник тизимлар ҳам мавжуд эмас, лекин нархи бу электрокарини жуда яқин оммабоп қилиб юборди.

Париж аэропортларида водород даврини бошлаб бермоқда

Airbus ва Air France-KLM компаниялари ва ADP аэропортлари гуруҳи Париж аэропортларида "водород тугунлари" деб аталмиш лойиҳаларни амалга оширишга киришди.



Airbus келажак барқарор авиациясининг қўриқинишини амалга ошириш ва ифлосланишсиз парвозларни тижорий йўлга қўйиш учун қатъий қарорга келган.

2020 йилда Airbus компанияси ZeroE лойиҳаси доирасида концепцияси ишлаб чиқилаётган уч экологик самолётни намойиш қилди.

Расман водородда учувчи илк самолётнинг тижорий парвози бўлиб ўтган. Ўтган йилнинг сентябрида водород ёқилгиси билан учувчи М-классдаги Piper самолёти Буюк Британия узра 20 дақиқа учиб ўтганди.

Нигериядаги мактабдан 300дан ортиқ қиз ўғирланди

Қуролланган жиноятчилар гуруҳи Нигериянинг Замфара штатидаги мактаб-интернатдан 317 нафар ўқувчи қизни ўғирлаб кетишди.



CNN шахсини сир тутишни сўраган нигериялик амалдорлардан бирига асосланиб хабар беришча, 26 февралга ўтар кечаси тунги соат 1:45да жиноятчилар 20та мотоциклда Жангебе шаҳрида жойлашган давлат мактабига келишган.

Мақаллий аҳоли вакилларидан бири Мусо Мустафо АР муҳбирига мактабдан бир неча дақиқалик масофада жойлашган назорат-ўтказув пунктига ва ҳарбий лагерга ҳам ҳужум уюштирилганини маълум қилган.

Мақтаб-интернатда жами 500га яқин қиз яшаган. CNN манбаси сўзларига қўра, уларнинг айримлари ҳужум вақтида қочиб қолишга муваффақ бўлишган.

Сўнгги йилларда Нигерияда кўп марта одам ўғирлаш ҳолатлари қузатилган. 2014 йил апрелида "Боко Ҳарам" жангарилари Борно штатидаги ўрта мактабдан 276 қизни ўғирлашган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Босишга топшириш вақти: соат 17.00 да. 2021 й. 27 февраль Босишга топширилди: соат 17.00 да

Навбатчи муҳаррир: А.АБДУРАИМОВ.

Баҳоиси келишишган нарҳда

Саҳифаловчи: В. АБАЗОВ.

Т - тижорат материал

Нашр индекси 5588

Муҳаррир: Ваҳобжон АБАЗОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Илҳомжон ТЎХТАСИНОВ(раис),Фазлиддин РЎЗИКУЛОВ, Отабек ГАЙБУЛЛАЕВ, Шаҳобиддин АШУРОВ, Эрали РАҲМАТОВ(аъзолар)

Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси 93-уй. Телефон: +99893 359-73-78

Газета Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридagi Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Самарқанд вилоят Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2020 йил 22 июлда 09-15 рақам билан рўйхатга олинган.

Газета «INTELLEKT» газетаси таҳририяти компьютерда саҳифаланди. «Шердор плюс полиграф» босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, 140100, Улуғ Турсунов кўчаси 82-уй. Қоғоз бичими: А-2. Адади: 1000 Буюртма: №

Таҳририятга келган кўлөзмалар қайтарилмайди. Муаллиф нуктаи назари билан таҳририят фикри тўғри келмаслиги мумкин.